



**OLIY VA O'RTA MAXSUS TALIM VAZIRLIGI  
QO'QON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**

**ZAMONAVIY FAN VA TA'LIM-TARBIYA:  
MUAMMO VA YECHIMLAR**

**RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY  
ANJUMAN MATERIALLARI  
TO'PLAMI**

**2022-yil**

“Zamonaviy fan va ta’lim-tarbiya:  
muammo va yechimlari” mavzusidagi  
respublika ilmiy-amaliy anjuman  
materiallari

1-qism

Qo‘qon – 2022 yil, 25-noyabr

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, gimnastika bilan shugullangan barcha insonlar chiroyli qaddi-qomatga, sog'lom bo'lishga va barcha sport turi uchun tramplin vazifasini bera oladi deyishimiz mumkun.

### **Adabiyotlar**

1. Gimnastika. A.M. Shlemin, A.T. Brikinlar tahriri. 1982 yil, Toshkent.
2. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
3. [www.uzdji.uz](http://www.uzdji.uz) (O'zbekiston Davlat Jismoniy tarbiya instituti)

## **ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНинг ФАН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

**А.К.Нафасов-ЧДПУ, катта ўқитувчи**

**Анотация.** Ўқитишнинг дидактик методларида тўпланган барча бойликларни эгаллаш ва уларни ҳар доим янгилаб бориш, ўқувчилар олдига ёш авлодга таълим бериш, уларни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ва ҳар жиҳатдан умумий ривожлантиришдек муҳим вазифани қўяди. Умумий ўрта ва Олий таълим ислоҳати илгари сурган вазифаларни мувофиқиятли ҳал қилиш учун имконият яратади. Шунингдек ислоҳатлар ёш авлодга таълим бериш, уни тарбиялаш ва ҳар томонлама камолга етказиш соҳасидаги улкан вазифлар ўқитиш жараёнининг бутун методик тузилишида янгидан-янги жиддий ўзгаришлар қилишни талаб этади. Мақолада тарих ўқитиш методикасининг илмий-педагогик фан сифатида шаклланиши ва тараққиёти таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Метод, технология, аудиовизуал техника, дидактик методлар, инсон камолоти, ташаббускор педагог, “формал метод”, мағкурачилар, маърифий ҳаёт, нозир.

Бугунги кунда ҳар бир ўқув предметига ўқитишнинг махсус методларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этиши билан хам характерланади.

Чунки методлар хазинаси узлуксиз янгиланиб туради, унга кўргазмаликнинг замонавий техник воситалари, янги педагогик технологиялар, аудиовизуал техника, дастурлаштириш воситалари ваҳоказолар қўллаш билан боғлиқ бўлган янгидан-янги методлар кўшилмоқда. Иккинчи томондан ўқитишнинг методик маданиятини ошириш, Таълим тизимларининг илгарисурган ислоҳатлари вазифаларини ҳам қилишга, унинг ўсиб келаётган ёш авлод фаол ўқийдиган, астойдил меҳнат қиласиган, етук фуқаро бўлиб камол топадиган мактабга айланишига ёрдам беради. Шунингдек ҳозирги кунда нисоният томонидан фаолият методларининг бой хазинаси тўпланган. Лекин масалаларнинг тўхтовсиз мураккаблашиб бориши ва янги имкноятларнинг юзага келиши уларни ҳал қилиш методларини муттасил янгиланиб туришини талаб қилмоқда. Маълумки, методика ўқитишнинг бой услубларга ва уларнинг янада бойиб бирикиб, такомиллашиб боришнинг муқаррарлигига асосланади.

Мақсад ўқитишининг дидактик методларида тўпланган барча бойликларни эгаллаш ва уларни ҳар доим янгилаш бориши, ўқувчилар олдига ёш авлодга таълим бериши, уларни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ва ҳар жиҳатдан умумий ривожлантиришдек муҳим вазифани қўяди. Умумий ўрта ва Олий таълим ислоҳати илгари сурган вазифаларни мувофиқиятли ҳал қилиш учун имконият яратади. Шунингдек ислоҳатлар ёш авлодга таълим бериши, уни тарбиялаш ва ҳар томонлама камолга етказиш соҳасидаги улкан вазифлар ўқитиши жараёнининг бутун методик тузилишида янгидан-янги жиддий ўзгаришлар қилишни талаб этади.

Агар ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, илм-олиш, ўқиши ва ўқитишига бўлган муносабатлар ҳамда унга эришишининг турли хил услубларини гувоҳи бўламиз. Тарихан таълим-тарбия махсус инсон фаолияти сифатида шаклланиб бориши баробарида, таълим-тарбия якунида тарбияланувчиларнинг сифатлари, яъни таълимий мақсадлар ҳам аниқланиб келинган.

Геродотнинг “Тарих” китобида: “Қадимги саклар, форслар ва массагетлар инсондаги энг шарафлайдиган сифат-жасурлик”, -дейилган. Шунга кўра, улар ўғил болаларни беш ёшдан йигирма ёшгача фақат уч нарсага, отда юриши, камондан отиш ва адолатли бўлишга ўргатишган. Хитойнинг Самарқанддаги элчиси Вей-Цзиннинг ҳисоботларида: “Самарқанд аҳолиси моҳир савдогарлардир. Ўғил беш ёшга тўлар экан, унга савод ўргата бошлайдилар”, -деб қайд қилинган.<sup>[4]</sup>

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да ҳам таълим-тарбия масалаларига катта аҳамият берилган. Унда “Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги, танячи бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялашлозимки, у аввало, яхши ўқишини, кейин эса ёзишини ўрганиши билан энг юксак пагонага кўтарилисин”<sup>[5]</sup>, -дейилган.

Ўрта Осиёга Ислом кириб келгандан кейин ерли ҳалқларда Ислом маънавияти ва тарихи шаклланиб, уни ўрганиш методикаси ҳам ўзгариб берди. Куръонда имоннинг ўзига хос мезони саналган қуйидаги ижтимоийсифатлар тарғиб қилинди: Саховат, меҳмонновозлик, жасорат, сабр-қаноат, тўғрилик, вафодорлик, адолат, тенглик, тинчлик ва бошқа ижобий сифатлар.

Буюк аллома ал-Бухорийнинг илм олиши, таълим-тарбия хусусидаги таълимотида ахлоқий қарашлар муҳим ўринда туради. Унинг ўқтиришича, баланд товуш билан ўринсиз кўп кулиш бошқалар дилига озор берувчи хислатдир. Ҳалққа ёқимли ва эҳтиромли бўлиб, унинг муҳаббатига сазовор бўлишни гўзал ахлоқлик, деб билади аллома. Мутаффакир асарларида кичикларга шафқатли, катталарга хурматда бўлиш зарурлиги алоҳида таъкидланади.

Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр, илм-фан тараққиёти мутаффакир Абу Наср Фаробий номи билан боғлиқ бўлиб, унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Фаробий

таълим-тарбия ва ўқишишнинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб берадиган ва шу жамият учун хизмат қиласидиган етук инсонни тарбиялашдан иборат деб билган ва тарбияланганликнинг ўзига хос мезонини ишлаб чиққар.

Тарих ўқитиши методикаси фанининг ҳозирги жамиятдаги ҳолати ва ролини таҳлил этишига киришмоқдан олдин, ҳозирги замон ва ўтмишининг машхур мафаккирларининг бу муаммони қандай шархлаганликларини эслайдиган бўлсак, **Цицерон** «тарих-хаёт мураббийсидир» деб атаган бўлса, **Леонардо до Винчининг** фикрича «ўтган давр ва жаҳон мамлакатлари ўтмишини билмоқ - инсон кўрки ва унинг ақлий маҳсулидир». Рус тарихининг отаси **Н.М.Карамзин** бу борада фикр юритар экан «Тарих халқларнинг муқаддас китоби бўлиб, уларнинг ҳаёти ва фаолиятларининг кўзгуси, ота-боболарининг авлодларга қолдирган кашфиётлари ва одоб-ахлоқларидан лавҳалар бўлиб, ҳозирги даврни шарҳлаш ва келажакка намуна бўлиб хизмат қиласидиган, тўлдирадиган заруратдир» деб ёзди. **В.Г.Белинский** эса, «буғунги кунни тушунмоқ ва келажагимиз тўғрисида ишорага эга бўлмоқ учун ўтмишимизни сўроқлаб суриштиromoғимиз лозим»лигини қайд этади. **В.О.Ключевский** «авлодларимизни ўрганиб, ўзликни – ўзимизни англаймиз. Тарихни билмасдан туриб, биз ўзимизни бу дунёга нега ва нима учун келганлигимиз, қандай қилиб ва нимага интилмоғимизни аниқ англамоғимиз керак», дейди.

Ўзбекистонда тарих ўқитиши методикасини педагогик фан сифатида шаклланишида юқорида қайд этганимиздек, Ўрта Осиё халқларининг 150 йил давомида Чор Россияси ва большевиклар томонидан ҳам иқтисой, ҳам маънавий жиҳатдан тутқунликда ушлаб туришда ўзининг маълум тамғасини қолдирди. Шу боис биз тарих ўқитиши методикасининг илмий-педагогик фан сифатидаги масала хусусида сўз юритар эканмиз, ўлкамизда ҳар томонлама ҳукмронлик қилиб келган Чор Россияси, кейинги большевиклар партиясининг маърифий соҳада олиб борган фаолиятига қисқача тарихий экспурс қилмоғимиз шарт.

XIX асрнинг 60-йиллари оралиғида Россияда бошланган сиёсий реакция мактаб ва гимназияларда тарих ўқитишида ҳам ўзининг яққол ифодасини топди. Реакция идеологияларининг ашаддий вакилларидан бири, халқ таълими вазири М.И.Кратков тарих ўқитишининг ёш авлод онгини ўйғотишга таъсирини янада очикроқ пайқаб, «тарих-ниҳоят зарарли ўқув фани» деб айтади.

1890 йилда Туркистон ўлкасида эркаклар гимназиясида 1871 йилда тасдиқланган классик гимназия ўқув режаси асосида машғулот олиб борилар эди. Фақат 1890 йилга келганда подшоҳ томонидан янги ўқув режаси тасдиқланган эди. 1890 йилдан иборат жамоатчиликнинг тазиики асосида реакцион кайфиятда бўлган Чор Россиясининг халқ таълими вазири Делянов бир мунча ён беришларга мажбур бўлди. Лотин тилига ажратилган соатлар 7

соатга, юонон тили 3 соатга қисқартирилиб, янги тилларни ўрганишга 19 соат ажратилди. Тарихга эса 1 соат, географияга 2 соат вақт ажратилди.<sup>[6]</sup>

Айрим демократик кайфиятда бўлган педагоглар тарих фанидан талабаларга минимум объектив билимларни бериш лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтдилар. Масалан, Туркистон мактабларининг гимназиясининг директори **Н.П.Остроумов** ўқувчилар тарихни оз бўлсада ўргансалар—у, лекин ҳар томонлама асосланган бўлсин, деб ёзган эди.

XIX асрнинг 90-йилларида Туркистонда фаолият кўрсатиб келаётган айрим мактаблар фаолиятларида тарих ўқитишни ўша давр ўқув дастурлари асосида бир мунча такомиллаштирилиб бораётганликлари, тарихий материалларни бир хил такрорлашдан мустасно бўлиб, уларнинг мазмунларига қараб гурухларга бўлиш–диний, маърифий, бошқарув маълумотлари ва бошқалара бўлининиши ва ривожлантириб борищдаги таълим элементларини шакллантириш усулларини қўллай бошлаганликларини учратиш мумкин эди. Айрим ўқитувчилар билимнинг таълимий доирасини кенгайтириб бериш йўлида ҳам ижодий фаолият кўрсата бошладилар. Лекин бундай ташаббускор педагоглар ниҳоятда озчиликни ташкил этар, уларнинг янги педагогик-методик қарашлари кўпинча реакцион чор ҳокимияти томонидан, уларнинг таклиф-мулоҳазалари мустамлакачилик базасига фидойиларча хизмат кўрсатишдан йироқ бўлганлигимиз эътиборга олинмас эди. Шунга қарамасдан жамият тараққиёти билан ҳамоҳанг бўлган тарих таълими ва унинг қўллаш методикасида ҳам айрим ташаббуслар содир бўлиб турди. Масалан, 1887 йилда **В.П.Наливкин** Туркистондаги дастлабки рус-тузем мактабларида тарих ўқитишда Россия шаҳарлари билим юртларида қўлланиладиган **Аристовнинг** «Россия тарихидан ҳикоялар» ва **Блиновнинг** тарихдан ўқиш китоби сифатида чоп этилган «Пчелка» («Асаларича») китоби бошқа китоблардан ҳам фойдаланган.

XIX асрнинг охири XX аср бошларида жамият тараққиётига демократик муносабатда бўлган олимлардан **М.Н. Покровский**, **Н.А.Рожков**, **М.М.Ковалевский** ва мустақил социологик деб юритиладиган йўналиш вакилларидан бири **Р.Ю.Випперлар** тарих фанини ўқитиш методикаси ва мазмунини умуман қайта қўриб чиқиб, таълим-тарбия тизимига жорий этиш ғоясини кўтариб чиқдилар. Буларни тарихни ўрганишга нисбатан қарашлари, ғоялари талабалар томонидан тарихий фактни фақатгина билимларни ўзлаштириш орқали олишдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки амалда талабаларнинг тарихдан олган билимлари уларнинг шахсий ҳаётларида амалий аҳамият касб этиши лозимлигини атрофлича кўрсатиб беришдан иборат эди.

XIXасрнинг охири ва XX асрнинг бошларидағи қўпгани методистлар тарих ўқитишда ўқувчиларнинг билиш фаолияти ва мустақиллигини оширувчи воситалар ҳамда услубларни, жумладан, хужжатлар ва дарслклар билан ишлаш, режа ва кўчирма(конспект)лар тузиш усулларини ўйлаб топиш

билин шуғулландилар. Сұхбат методикаси ҳам ҳар томонлама ишлаб чиқара бошлади.<sup>[7]</sup>

Методист Я.С.Кулжинский<sup>[8]</sup> дарслиқдарни мұхым хужжатлар билан таъминлашни, дарсда улар бидан ишлашни таклиф этди. Хужжат усул дарслиқдаги хulosаларни хужжатлардан олинган фактлар билан мустаҳкамлашни күзда тутар эди.

Бир гурұх услубчилар М.М.Стасюлевичнинг тарих предметини үқитиши асосан тарихий хужжатлар устида ишлаш негизига қуриш лозимлиги ҳақидағи фикрға қайтдилар. Бошланғич таълимда күпроқ тарихий расмлардан кенг фойдаланиш таклиф этилди.

С.В.Фарфоровский А.Ф.Гарвич ва бошқа таниқли услубчилар лабаратория услуби тарафдорлари бўлиб, улар хрестоматиялар ва методик қўлланмалар тузган эдилар. А.Ф.Гартвич ёшлиарининг билиб фаолиятини фаоллаштириш усулларини излаб топишга ҳаракат қилиб, материални изчил баён этишдан воз кечишни, дарслиқдан фақат ёрдамчи тариқасида фойдаланишни тавсия қилди, тарихни тизимли ўрганиш ўрнига ўқувчиларнинг айрим мавзулар бўйича рефератлар тайёрлашни ва уларни муҳокама этишларини тавсия қилди.

Ёшлиар билан ишлашда А.Ф.Гартвич дарсларда театр саҳна кўринишларини ташкил этиш, тарихий ҳодисаларни драммалаштириш усулини кенг қўллади. Бу йўл аслида синфдан ташқари ишларни синфга кўчириш бўлиб, синф-дарс тизимини инкор этишга олиб келарди.<sup>[9]</sup>

Ижтимоий ҳаёт ижтимоий онгни белгилаш оддий ҳақиқатдир. Шундай экан, иккинчи жаҳон уруши йилларида СССРнинг даҳшатли уруш марказида бўлиши тарих үқитиши жараёнида ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини юқори савияда олиб боришни тақозо этар эди. Шу боис тарих үқитувчилари ўзларининг педагогик фаолиятларида ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг энг самарали йўлларини қўллашни, ўқувчиларда она Ватанга садоқатлик руҳида тарбиялашнинг турли метод ва воситаларини қўллашда катта амалий ишлар олиб бордилар. Бу вазифаларни бажаришда тарих фани үқитувчиларига *адабиёт, тасвирий санъат асарлари, кино ва театр* санъати асарларидан ҳам кенг фойдаландилар. Уруш шароитини ҳисобга олган ҳолда ёшлиар тарбиясига комплекс ёндошиши ўқувчилар фаолликларини ошириб боришда ҳам катта ижобий таъсир ўтказди. Тарих фани үқитувчисининг тарбиявий ишларида ўқувчилар томонидан маҳаллий жангчиларнинг фронтдан йўллаган хатлари, газета материаллари ўқувчилар томонидан ҳарбий ватанпарварлик мавзусида ташкил этилган кечалар, уруш қатнашчилари билан ўтказилган тадбирлар ҳам катта тарбиявий роль ўйнайди.

Мазкур қонун талаблари асосида мактаб тарих дарсларининг вазифалари ва функциялари ҳам бирмунча аниқланди. Илгари тарих үқитишининг вазифаси ўқувчилар хотирасида дарс жараёнида ўрганилган материалларни мустаҳкамлаш билан чегараланиб келган бўлса, 60-йиллардан

умумтаълим мактаблари учун чиқариладиган тарих дарсликларининг вазифаси бирмунча такомиллашиб бориб, ўқитувчи учун дарслик ўқувчиларни дарс жараёни ва уй вазифаларини бажариш жараёнида уларга зарур қўлланма функциясини ҳам бажарадиган бўлди. Кейинги дарсликларда муаллифлар томонидан киритилган матнлар билан бирга, турли тарихий ва замонавий ҳужжатлар, расмлар, жадваллар, чизмалар, турли-туман маълумотномалардан иборат бўлган дидактик материаллар кенг ўрин олган эди. Тарих дарсликларида катта параграфларга, айрим ҳолларда расмларга муаммоли сўроқ ва вазифаларни қўйилиши ўқувчилар хотирасида тарихий материалларни чуқур ва атрофлича тафаккур этиш, уларни бир тизимга солиш ўқитувчилар томонидан ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларига раҳбарлик қилиш жараёнини такомиллашувига ёрдам берди.

### **Адабиётлар**

- 1.Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.Т. “Ўзбекистон”, 2019 йил, 1-жилд, 24-25 бетлар.
- 2.А.Саъдиев. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш. Т. “Ўзбекистон”, 1993, 3,4-бет.
- 3.Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. “Ўзбекистон”, 2019 йил, 1-жилд, 29-бет.
- 4.Б.Зиямухаммадов. Педагогик маҳорат асослари. Т. “ТІВ-КІТОВ”, 2009 й, 120-бет.
- 5.Моковельский А.О.Авесто. Боку. “Азербайжан”, 1960, с.18
6. «Сборник постановлений по Министерству народного просвещения», том XV, с. 204.
- 7.Хмелёв А.Н. Передовые методисты начало XXв. “Преподавание истории в школе”, 1959, №5.
- 8.Кулжинский Я.С. Методика систематического курса истории.СПБ.1914.
- 9.Хмелёв А.Н. Передовые методисты начало XXв. “Преподавание истории в школе”, с-71.
- 10.Народное образование в СССР. Сборник документов. 1917-1973 гг. Москва, «Просвещение», 1974, 161-162 бетлар.
- 11.Я.Х.Фаффоров. Тарих ўқитиш методикаси.Тошкент.2022 йил

### **ЛОЙИҲАЛАШ МЕТОДИНИНГ ЎЗИГА ХОС БЕЛГИЛАРИ**

**И.К.Абдиримова-Чирчик ДПУ, катта ўқитувчи  
М.С.Абдувохидова-Чирчик ДПУ, талааб**

**Аннотация.** Мазкур мақолада лойиҳалаши фаолиятининг назарий асослари,уни таълим тизимиға жорий этиши тамоиллари ҳақида сўз боради. Шунингдек лойиҳалаши методининг таълим сифатини оширишдаги бир қанча асосий ва ўзига хос белгилари кўрсатилган. Лойиҳалаши фаолияти таълим жараёнида муҳим аҳамиятга эга эканлиги ёритилган.

139	И.Ш.Мансуров, Чирчиқ ГУ	Педагогическое наследие великих мыслителей востока – основа подготовки будущих учителей	477
140	Д.Ш.Норқўзиева, Кўқон ДПИ	Коммуникатив копetenциалликни ривожлантиришда конструктив фаолият ва хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик мезонлари	481
141	V.M.Jurayev, Qo‘qon DPI	Salomatlik haqida zamonaviy ilmiy ko`rsatmalar	484
142	A.G’ofurov. J.Yuldasheva, A.G’ofurov, M.Ahmedova, Qo‘qon DPI	Ish qobiliyatini oshirish va tiklanishning zamonaviy vositalari va uslublari	487
143	A.M.G’ofurov, Qo‘qon DPI	Ta’lim jarayonida gimnastikaning o‘rni	489
144	А.К.Нафасов-ЧДПУ	Тарих ўқитиши методикасининг фан сифатида шаклланиш босқичлари	492
145	И.К.Абдиримова, М.С.Абдувохидова, Чирчиқ ДПУ	Лойиҳалаш методининг ўзига хос белгилари	497
146	I.K.Abdirimova, M.F.Raximjonova, Chirchiq DPU	Xalqaro baholash tizimining ta’lim samaradorligini oshirishdagi o‘rni	499
147	Ш.Б.Жумаева, М.Д.Мехритиллаев, Чирчиқ ДПУ	Ёшлиарда ватанпарварлик инсонпарварлик фазилатларини шакллантиришда таълим-тарбиянинг ўрни ва аҳамияти	502
148	М.Юсупова, Х.Кучкаров, Чирчик ГУ	Педагогические условия развития личности в образовательном процессе	504
149	М.Мамаджонова, Х.Кучкаров, Чирчикского ГУ	Таълим жараёнида илғор педагогик технологияларни қўллашнинг аҳамияти	507
150	N.A.Akbarova, Beshariq tumani XTB tasarrufidagi 32-maktab matematika fani o‘qituvchisi	Matematik modellashtirish va matematik modelni yaratish jarayoni	510
151	X.M.Ergasheva, Qo‘qon DPI	Boshlang‘ich maktabda hisoblash shakllari	513
152	O.Xayritdinov, Sh.B.Jumayeva, Chirchiq DPU	“4+2” dasturining ilmiy pedagogik ahamiyati	517